


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлилларга кўра, 2024 йилнинг биринчи ярмида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 1792 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест)лар келиб тушган бўлиб, шундан 561 таси қайтарилган, 245 тасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган, 664 тасини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган.

Судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест)лар бўйича 83 та фуқаролик ишлари Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 50 таси (60,2 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 28 таси (33,7 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 5 таси (6 фоизи) бўйича ўзгартирилган.




Суд қарорлари бекор қилинган 28 та ишдан 7 таси янгидан кўриш учун (6 та апелляция, 1 та тафтиш инстанцияси) судларга юборилган, 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, қуйи суд қарорлари (7 та биринчи, 3 та апелляция инстанцияси) ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб тамомланган ишлар ҳудудлар кесимида куйидагича кўринишга эга:

Тошкент шаҳри 17 та (шундан 4 таси бекор қилинган ва 1 таси ўзгартирилган), Тошкент вилояти 10 та (3/-), Самарқанд 9 та (1/-), Фарғона 3 та (1/-), Қашқадарё 6 та (3/1), Бухоро 7 та (3/1), Хоразм 3 та (1/2), Сурхондарё 4 та (3/-), Наманган 4 та (2/-), Андижон вилояти 4 та (2/-), Қорақалпоғистон Республикаси 4 та (2/-) ва Сирдарё вилоят судида 6 тани (1/-) ташкил этади.

Фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.



Бу даврда асосан:

**меҳнат низолари билан боғлиқ** (Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилояти 2 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**ер муносабатлари билан боғлиқ низолар** Қашқадарё вилояти 1 та суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган),

**битимлар билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Қашқадарё ва Самарқанд вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**уй-жой низолари** (Самарқанд, Бухоро Наманган вилояти 1 та суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**оила низолари** (Тошкент вилояти, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**қарз ва кредит муносабатлари билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган) ишлар кўриб тамомланган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (*бундан буён матнда ФПК деб юритилади*) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

Қуйида Олий суд тафтиш инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига сабаб бўлган айрим мисоллар келтирилади:

**Хизмат турар жойи берган ташкилотда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) ва ўзи ишлаган корхонадан пенсияга чиққан ходимлар бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойидан кўчирилади**

Даъвогар шаҳар ИИББ жавобгар “З” пенсияга чиққанлиги муносабати билан профилактика инспектори лавозимидан резервга бўшатирилганлиги муносабати билан уни хизмат турар жойи сифатида ажратилган Бодомзор кўчаси, 1-уй, 9-хонадонидан бошқа турар жой бермасдан кўчириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2023 йил 28 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2022 йил 19 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилиб, жавобгар “З” хизмат турар жойидан бошқа турар жой бермасдан кўчирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 1 июндаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлар даъво талабини қаноатлантиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 72-бандига кўра, профилактика инспекторларига ажратилган хизмат уйлари, профилактика инспектори лавозимидан озод этилганда, бошқа ҳудудга ўтказилганда, пенсияга чиққанда, ходим вафот этганда қайтарилиши ҳақидаги қоидага асосланишган.

Бироқ, хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар, шунингдек ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар бошқа турар жой берган ҳолда хизмат

турар жойидан кўчирилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 80-моддаси талаби бўйича жавобгар “З” ИИБ тизимида 10 йилдан ортиқ хизмат қилган ходим ҳисобланиши билан бир қаторда айнан шу органдан пенсияга ҳам чиққанлиги сабабли уни фақатгина бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойидан кўчириш мумкинлиги ҳақидаги қонун талаби судларнинг эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 14 февралдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

*2-1003-2206/23256-сонли иш*

**Касаба уюшмасининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақидаги қарори ҳуқуқий ҳужжат сифатида эмас, балки иш берувчи томонидан белгиланган тартибга риоя қилинганлиги доирасида далилларнинг умумийлиги сифатида баҳо берилиши лозим**

Даъвогар “М” жавобгар “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (*кейинги ўринларда ХЭТК АЖ деб юритилади*) касаба уюшма кўмитасига нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда ХЭТК АЖ касаба уюшмаси кўмитасининг 2021 йил 2 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 15 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2023 йил 4 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра “М”нинг даъво талаби рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 28 августдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, ХЭТК АЖнинг 2021 йил 9 декабрдаги 680-к-сонли буйруғига кўра электр тармоқлари корхонасида ҳисобчи вазифасида ишлаб келган даъвогар “М” билан тузилган меҳнат шартномаси 2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига биноан 2021 йил 9 декабрдан бекор қилинган.

Бунга, асос сифатида ХЭТК АЖ касаба уюшмаси кўмитасининг 2021 йил 2 декабрдаги 8/297-сонли қарори ва даъвогар “М” пенсия ёшига етганлиги кўрсатиб ўтилган.

Даъвогар “М” меҳнат шартномасини бекор қилиш учун розилик берган касаба уюшмаси йиғилишида иштироки таъминланмаганлигини асос қилиб, ҲЭТК АЖ касаба уюшмаси қўмитасининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди касаба уюшмаси меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик беришда белгиланган тартиб-тамоилларига амал қилганлиги ва даъвогар “М” даъво муддатини узрсиз сабаб билан ўтказиб юборган деб ҳисоблаб, даъвони рад қилган ҳамда суднинг ушбу хулосаси билан юқори инстанция судлари ҳам келишган.

Олий суднинг тафтиш инстанцияси қуйидаги асосларга биноан судларнинг юқоридаги хулосаси билан келишмаган.

2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат кодексининг 101-моддасига кўра, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

ҲЭТК АЖ жамоа шартномасининг 3.4-бандида ҳам ушбу қоида белгиланган.

Судлар даъвогар “М”нинг касаба уюшмаси қўмитасининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талабларини мазмунан кўриб чиқиб, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сон қарорида *(2023 йил 20 ноябрга қадар амалда бўлган)* келтирилган раҳбарий тушунтиришларига, яъни бекор қилиниши талаб қилинаётган йиғилиш қарори ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинмаслиги, балки меҳнат низосини (ишга тиклаш) кўриб чиқишда иш берувчи томонидан белгиланган тартибга риоя қилинганлиги доирасида далилларнинг умумийлиги сифатида унга баҳо берилиши лозимлигига эътибор қаратмаган, натижада судга тааллуқли бўлмаган талабни мазмунан кўриб чиққан.

Бунда ушбу низо ФПК 124-моддасининг 1-бандига мувофиқ, иш фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаганлиги боис иш юритишдан тугатилиши лозим эди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 21 февралдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво ариза бўйича иш юритиш тугатилган.

*2-1901-2303/673-сонли иш*

**Суд ишни ҳал қилишда даъвогар  
томонидан арз қилинган  
талабларга эътибор қаратиши  
лозим.**

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси “А” АТБ манфаатида жавобгар “Агросервис С МТП” МЧЖ, “Б” ва “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” АЖ га нисбатан электрон-онлайн аукцион натижаси бўйича ғолиблик баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг 2023 йил 17 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризани қаноатлантириш рад этилган.

Сирдарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 24 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво аризани қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, жавобгар “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” АЖ томонидан 2023 йил 9 январда ўтказилган электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённома ҳақиқий эмас деб топилган ва тўловлар, суд харажатлари ундирилган.

Сирдарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 21 февралдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар “А” АТБ билан 2018 йил 22 январда тузилган кредит шартномасига асосан жавобгар “Агросервис С МТП” МЧЖга техника сотиб олиш учун 11.331.634.000 сўм кредит ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида 2018 йил 25 январдаги ипотека шартномасига асосан “Агросервис С МТП” МЧЖга тегишли 104 хонадан иборат бўлган МТП бино-иншоотлари гаровга қўйилган.

Сирдарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 20 июлдаги қарори билан “Агросервис С МТП” МЧЖдан “А” АТБ фойдасига жами 7.966.104.000 сўм кредит қарздорлигини ундириш, ундирувни МТПга тегишли бўлган юқоридаги бино-иншоотларга қаратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сонли қарорида “Ўзагросервис” АЖ таркибига кирувчи ташкилотларнинг кўчмас мулк объектлари электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиши белгиланганлигига асосланиб, давлат ижрочиси банк томонидан кредит таъминоти сифатида гаровга олинган юқоридаги мол-мулкларни тақиқдан чиқарган.

Шундан кейин, 2023 йил 9 январда электрон-онлайн аукцион савдоси ўтказилиб, “Б” аукцион ғолиби деб топилган ва унга 2023 йил 23 январь куни электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштириб берилган.

Гулистон туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан “А” АТБнинг шикоят қаноатлантирилиб, МИБ Сирдарё вилоят бошқармаси мансабдор шахсларининг МТПга тегишли гаров мулкларини тақиқдан чиқаришдаги хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган.

Шундан кейин даъвогар “А” АТБ маъмурий суднинг қарори ва ФК 114, 116-моддаларини асос сифатида кўрсатиб, аукцион савдоси натижасида тузилган ғолиблик баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга даъво ариза киритган.

Вилоят судининг апелляция ва тафтиш инстанциялари суднинг ҳал қилув қарори билан келишмасдан, даъво аризани қаноатлантиришга асослар мавжуд деган хулосага келишган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 254-моддасига кўра, суд ишни даъвогар томонидан арз қилинган талаблар доирасида ҳал қилади.

Бироқ, вилоят суди инстанциялари даъво аризада кимошди (аукцион) савдосини эмас, балки аукцион натижалари бўйича тузилган баённомани ҳақиқий эмас деб топиш сўралганлигини эътибордан четда қолдириб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Чунки, қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган кимошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади (Фуқаролик кодекси 381-моддаси).

Бундай вазиятда савдони ўтказиш қоидалари бузилганлиги асоси мавжуд бўлганда аукцион савдосини ҳақиқий эмас деб топмасдан, савдода ғолиб чиққан шахс билан тузилган баённомани ҳақиқий эмас деб топиб бўлмайди. Қолаверса, даъвогар томонидан мазкур баённоманинг ўзини ҳақиқий эмас деб топиш учун ФКда назарда тутилган асослар ҳам келтирилмаган.

Юқорида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 10 июндаги ажрими билан вилоят суди апелляция ва тафтиш инстанцияларининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

*2-1202-2305/3812-сонли иш*

**Суд даъвогарнинг даъво талабларини даъво аризасида келтирилган асослар бўйича кўриб чиқиши лозим. Суд даъво асосини ўз ташаббуси билан ўзгартиришга ҳақли эмас.**

Даъвогар “И” жавобгарлар “Д” ва “А”га нисбатан савдо дўконидан фойдаланганлиги учун бой берилган фойдани ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Хоразм вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2023 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгар “Д”дан даъвогар “И”нинг фойдасига 22.050.000 сўм асосий ижара қарздорлигини ундириш белгиланган.

Хоразм вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 17 апрелдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан кўринишича, Урганч шаҳар “Ноозиқ-овқат товарлари марказий савдо мажмуаси” ҳудудида жойлашган дўкон биноси жавобгар “А” га тегишли бўлган.

Жавобгар “А” 2020 йил 28 январдаги ижара шартномасига асосан мазкур дўконни жавобгар “Д”га 5 йил муддатга, ҳар ойда 735.000 сўмдан ижара ҳақи тўлаш шарти билан ижарага берган.

Кейинчалик, жавобгар “А” 2020 йил 12 октябрдаги олди-сотди шартномасига асосан ушбу савдо дўконини фуқаро “Т”га сотган, у эса ўз навбатида 2020 йил 3 ноябрдаги олди-сотди шартномасига асосан даъвогар “И” га сотган.

Даъвогар “И” ўз талабига асос қилиб жавобгар “Д” билан тузилган ижара шартномаси суднинг қарори билан ҳақиқий эмас деб топилган бўлса-да, жавобгар “Д” 30 ой давомида дўкондан фойдаланиб, уни бўшатиб беришдан бош тортиб келганлигини, бу даврда дўконни бошқа шахсга ижарага берганида 22.050.000 сўм миқдоридан фойда олиши мумкин бўлганлигини кўрсатиб, ушбу зарарни бой берилган фойда сифатида ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди эса даъво асосини ўзгартирган ҳолда муқаддам собиқ мулкдор “А” ва жавобгар “Д” ўртасида тузилган 2020 йил 28 январдаги ижара шартномасида келишилган ижара суммаси миқдоридан келиб чиқиб, 30 ой учун 22.050.000 сўмни асосий ижара қарздорлиги сифатида ундирган.

Вилоят суди апелляция ва тафтиш инстанциялари ҳам суднинг ушбу хулосаси билан келишган ва суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдирган.

Ваҳоланки, ФПК 254-моддасида, суд даъвогарнинг даъво талаби доирасидан четга чиқиб низони ҳал қилиши мумкин бўлса-да, ўзининг ташаббусига кўра даъво асосини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Шу сабабли Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 11 июндаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, жавобгар “Д” дан даъвогар “И” фойдасига 19.110.000 сўмни ижара қарздорлиги эмас, бой берилган фойда сифатида ундирилиши белгиланган.



## **Шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилиши асосли бўлиши лозим**

Даъвогар “GH” МЧЖ жавобгарлар “Г” ва “В”ларга нисбатан қурилишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2022 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилиб, жавобгарлар “Г” ва “В” лар зиммасига даъвогар “GH” МЧЖга шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Самарқанд шаҳар, Ойдин йўли кўчасида жойлашган ер майдонида кўп қаватли турар жой бино қурилишини амалга оширишда тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклатилган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 21 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори тўлдириш йўли билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 4 июлдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 декабрдаги 2581-Қ-сонли қарори билан даъвогар “GH” МЧЖга шаҳарнинг Ойдин йўли кўчаси манзилидаги 0,598 га ер майдонида кўп қаватли турар жой биноларини қуришга рухсат берилган.

Самарқанд вилоят Қурилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг хулосаларида, “GH” МЧЖ томонидан кўп қаватли турар жой биноси қурилишига рухсат берувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги, жисмоний шахсларга тегишли бино-иншоотларни ўз ҳисобидан кўчириб, қурилиш майдонини бўшатмасдан ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари бошланганлиги сабабли қурилиш ишларини тўхтатиш ҳақида расман огоҳлантирилганлиги кўрсатилган.

Аниқланишича, “GH” МЧЖ амалга ошираётган қурилиш ишлари жавобгар “В”нинг бирон-бир ҳуқуқ ва манфаатига таъсир қилмайди, чунки қурилиш ёнида жойлашган Ёқут кўчаси 7-уй муқаддам унинг отаси “Ф” га тегишли бўлган ва 22.04.2015 йилдаги нотариал олди-сотди шартномага асосан фуқаро “А” га сотиб юборилган. Жавобгар “В” бу ҳудудда яшамайди ва қурилиш унинг ҳуқуқ ва манфаатига дахл қилмаслиги сабабли қурилишга тўсқинлик қилиб, эътирозлар билдириши асосли эмас.

Жавобгар “Г” эса низоли объектнинг ёнида жойлашган Ёқут кўчасидаги 4-уйнинг мулкдори ҳисобланади ва даъвогар “GH” МЧЖ амалга ошираётган қурилиш ишлари унинг ҳуқуқ ва манфаатига путур етказётганлиги ваколатли органлар хулосаси билан аниқланган.

Бироқ, судлар даъвогар “GH” МЧЖга ҳоким қарори асосида қурилиш қилишга рухсат берилганлиги билан кифояланиб, шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаганлигини инобатга олмасдан жавобгар “Г” нинг зиммасига қурилишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 13 февралдаги ажрими билан суд ҳужжатларининг жавобгар “Г” нинг зиммасига мажбурият юклаганга оид қисми бекор қилиниб, ушбу талабни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*2-1401-2206/16332-сонли иш*

**Фуқаролик ишлари  
бўйича судлов ҳайъати**